


## **Таълим соҳасида Интернетдан фойдаланиш**

*Б.Шодиев,  
Қашқадарё ВХТХҚТМОИ*

Бугунги кунда Интернет бизнинг ҳаётимизга тобора кириб бормоқда. Интернетда почта, телефония, бизнес(савдо, банк, аукцион) ишлари кўпроқ амалга оширилмоқда. Кундан-кунга тармоқда ахборот манбалари кўпаймоқда.

2015 йилги ҳисоботга кўра Интернетдан фойдаланувчилар сони 5,5 миллиард кишидан ортиб кетди. Интернет деярли таълим жараёни учун идеал муҳит вазифасини ўтайди. Бунга Интернет фойдаланувчиларининг дунёнинг исталган нуқтасидан тармоқ ресурсларидан фойдалана олишлиги муҳим омиллардан бири сифатида кўрсатилмоқда.

Тармоқ фойдаланувчилари ва ахборот саҳифалари сони узлуксиз тарзда ўсиб бориб, кўпчилик ёшлар учун эрмак ва қулай воситага айланмоқда. АҚШда ўтказилган статистик тадқиқотларга кўра Олий ўқув юртларининг юқори курс ва коллежлари талабаларининг 100%и Интернетдан фойдаланадилар. Талабалар Интернетнинг фаол фойдаланувчилари сифатида ҳафтасига ўртача 11 соатни Onlineга сарфлайдилар. Ҳар 10 талабадан 9 таси кунига электрон почтасидан фойдаланадилар. Интернетдан янгилик, ахборот ва иш қидирадилар. Америкалик 5 дан 17 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 90 % компьютердан фойдаланадилар, бу фойдаланувчиларнинг 59 % интернетдан фойдаланувчилардир. 15 ёшли америкаликларнинг ҳар тўртинчиси Интернетдан фойдаланадилар, 10 ёшлилар гуруҳида бўлса 60 %ни, 16 ва ундан катталарида бу кўрсаткичлар 80 % ни ташкил этади (бу кўрсаткичлар ҳам вақт ўтиши билан ортиб бормоқда).



Интернетдан фойдаланувчилар (ёши бўйича 2015 йил)

Интернет биринчи навбатда ахборот тармоғидир. Катта ҳажмдаги ахборотлар ичидан керакли маълумотларни топишда махсус Интернет қидирув машиналари таълим соҳасида ўқитувчи учун ҳам ўқувчи учун ҳам бирдай қулайдир. Қидирув машиналарида 4 млрддан ортиқ уникал саҳифалар бирлаштирилган.

Ўзбек тилидаги маълумотларни қидиришда ўзбек қидирув машиналари [www.mail.uz](http://www.mail.uz), [www.doda.uz](http://www.doda.uz), [www.search.uz](http://www.search.uz), [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.google.co.uz](http://www.google.co.uz) лар миллионлаб ҳужжатларни қамраб олгандир.

Ўқитувчилар ва ўқувчилар қидирув процедураларидан таълим жараёнида фаол фойдаланишлари мумкин.

Замонавий жамиятда Интернет орқали масофавий таълимнинг ривожланишига қуйидаги икки сабабни кўрсатиш мумкин:

1. Ёш авлодларнинг таълим потенциалига бўлган талабнинг ортиши, ахборот технологияларини ўзлаштириши, жамиятдаги билимларни тезкор алмашинуви, инсонни бутун умри давомида ўқиши кераклиги, узлуксиз таълимни зарурийлашиши.
2. Интернет тармогининг ва компьютер технологияларининг ривожли, ишларни компьютер ва компьютер дастурлари орқали бажарилиши соддалашиши.

**Интернетнинг ўқитувчи учун қулай бўлган омиллари қайсилар?  
Бу омилларини асосийларини санаб ўтамиз:**

- ✓ *Мустақил равишда тармоқдаги ахборотлар орқали ўз малакасини ошириши.*

- ✓ *Тижорат ҳамда нотижорат ташилотларининг Интернет тармогидаги масофавий таълимини ўзлаштириши жараёнида ўз малакасини ошириши.*
- ✓ *Дарс ўтиши учун Интернет тармогидан материаллар қидириши.*
- ✓ *Ҳокимият серверидан норматив ҳужжатлар қабул қилиши.*
- ✓ *Янги педгогик теҳнологияларга оид ахборотлар олиши.*
- ✓ *Талабномалар жўнатиши, конференция, танлов ва грантлар, ҳисобот ва конференцияларга чиқиши ҳақидаги ахборотларни олиши.*
- ✓ *Дастурий таъминот олиши.*
- ✓ *Ўз ишларини чоп қилиши ва ўз ишлари тўғрисида маълумотлар юбориши.*
- ✓ *Ҳамкасб ва дўстлар билан хат ёзишмалар. Фикрдошлар ва ҳамкасбларни бошқа шахарлар ва давлатлардан қидириши.*
- ✓ *Интернет магазинларида савдо қилиши.*

Интернет теҳнологияларини таълим соҳасидаги қуйидаги афзалликларини санаб ўтиш мумкин: бу фанларни ўзлаштирилишни яхшиланиши; тармоқ саводхонлигини ортиши (Компьютер ва Интернет билан мулоқот қилишдаги янгиликлар); ўрганишга бўлган муносабатни яхшиланиши; мустақил таълим ва тадқиқотлар малакасини такомиллаштириши; амалий малака самарадорлигини ошириши.

Вақт ўтиши билан Интернетда энг муҳим фанларнинг энг яхши маърузалари чоп қилиниши кутилмоқда. Ўқитувчилар бу маълумотлардан ўз дарсларига асос сифатида фойдаланишлари мумкин. Маълумотлар жўнатишда тезликнинг ортиши бугунги матн кўринишидаги Интернетни мультимедияли интерактив телеканалга айланиши башорат қилинмоқда. Бугунги кунда Интернетдан ажралишлик мукамал бўлган таълимдан маҳрум бўлишлиқдир.